

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАЗИЕВА МАФТУНА МУҲАММАДОВНА

**МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ПРОСОДИК ВОСИТАЛАРНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Газијева Мафтуна Муҳаммадовна Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари	3
Gaziyeva Maftuna Mukhamadovna Linguopragmatic features of prosodic means in the process of communication	25
Газијева Мафтуна Муҳаммадовна Лингвопрагматические свойства просодических средств в процессе коммуникации	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47
Иловалар Приложение Appendix.....	49

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАЗИЕВА МАФТУНА МУҲАММАДОВНА

**МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ПРОСОДИК ВОСИТАЛАРНИНГ
ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil321 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.navoiy-uni.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилора Абдулҳамидовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Лутфуллаева Дурдона Эсоновна
филология фанлари доктори, профессор

Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2018 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-10-22; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-10-22.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Сирожидинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н.

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги илмида просодика, хусусан, коммуникация назарияси, оғзаки нутқ интонациясининг структур яхлитлиги, тилнинг фонетик-фонологик системасида просодик воситаларнинг ўрни, суперсегмент бирликларнинг функционал моҳиятини белгилаш, уларни таснифлаш ва тизимлаштириш, нутқнинг мазмуний тузилишида интонациянинг аҳамияти, фонетик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини визуал экспериментал усул билан аниқлаш муҳим масалалар сирасига киради. Ҳар қандай миллий тил белгилари лисоний тафаккур негизида умумий жиҳатларни намоён этади, улар нутқий жараёнларда коммуникатив муносабатлар ёрдамида мукаммаллашиб, дунё просодик бирликларини системалаштириш ўзбек тилшунослиги учун ҳам бевосита дахлдор эканлиги ойдинлашади.

Дунё тилшунослигида фонетика, жумладан, унинг таркибий қисми бўлган просодика соҳасида нутқий мулоқот интонацияси масалаларига эътибор кучайган. Просодик воситаларни систем-структур тилшунослик аспектида тадқиқ этиш интонация элементларини ўрганиш билан боғлиқ. Синтактик фонетикада мазкур воситалар гапнинг коммуникатив турларини шакллантириш, нутқий актларни ҳосил қилиш, нутқда турли товланишларни ифодалаш, интонацион конструкцияларни ҳосил қилиш, шунингдек, гапнинг актуал бўлинишида мантикий урғунинг ўрнини кўрсатиш каби прагматик функцияларни бажаради. Нутқий мулоқотда бу ҳодисаларни экспериментал-фонетик усул билан ўрганиш муҳимдир.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослари миллий тилимиз лексикаси, морфологияси, синтаксиси соҳаларида катта ютуқларга эришганлар. Лекин ўзбек тили фонетикасига доир бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, тилнинг интонацион воситаларини ҳанузгача тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди. Илмий адабиётларда просодик воситалар талқинида турлича қарашларнинг давом этаётгани ҳам шундан далолат беради. Бу ҳолат фонетик ҳодисаларни тадқиқ этувчилар ихтиёрида ўта юксак аниқликдаги инструментал воситаларнинг бўлиши кераклиги билан ҳам изоҳланади. Зеро, «...она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматингиз ва муҳаббатингизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан кўрсатиш керак»¹. Мамлакатимизда тил соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ўзбек тили бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар соҳада илмий тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига тurtки бўлмоқда. Бу воситаларнинг прагматик хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш прагмалингвистика масалаларининг тўлақонли ёритилиши учун хизмат қилади, шунингдек, фонопрагматика ҳақидаги қарашларнинг илмий асосини мустаҳкамлайди, соҳанинг умумий тадқиқини такомиллаштиради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан / [https:// sputniknews-uz.com](https://sputniknews-uz.com)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ – 4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида просодик воситаларнинг ўрганилиши ўзининг узоқ тарихига эга. Дунё тилшунослигида просодик воситалар ҳақидаги илк қарашлар ҳинд ведалари, «Қуръон» каби муқаддас китобларни қироат билан ўқиш талаблари асосида шакллана бошлаган. Просодиканинг илмий назарияси дастлаб А.М.Пешковский, Г.А.Глисон, Н.С.Трубецкой, А.М.Щербак, А.А.Реформатский, Л.Р.Зиндер² каби олимларнинг ишларида кузатилади. Интонация назарияси В.А.Артемов, Т.М.Николаева, М.И.Матусевич, М.В.Панов, Н.М.Черемисина, Н.Д.Светозарова, Т.А.Брызгунова, А.М.Антипова, Л.А.Кантер³ каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда ҳам экспериментал-фонетик тадқиқотларга қизиқиш катта.

² Пешковский А. М. Интонация и грамматика. – М., 1928; Глисон Г.А. Введение в дескриптивную лингвистику – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959; Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – Ленинград: Изд-во Академия наук Москва, 1962; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: Высшая школа, 1979; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. – М.: Наука, 1984.

³ Артемов В.А. Психология речевой интонации (Интонация и просодия): Лекции к спецкурсу. – М., 1976; Николаева Т.М. Интонация сложного предложения в славянских языках – М., 1969; Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. – М.: Просвещение, 1979. – 288 с; Панов М.В. Современный русский язык. Фонетика. – М.: Высшая школа, 1979. – 256 с; Черемисина Н.В. Русская интонация: поэзия, проза, разговорная речь. – М., 1982; Светозарова Н.Д. Интонационная система русского языка. – Л., 1982; Брызгунова Е.А. Звуки и интонация русской речи. – М., 1983; Антипова А.М. Ритмическая система английской речи. – М.: Высшая школа, 1984; Кантер Л.А. Системный анализ речевой интонации. – М.: Высшая школа, 1988.

Улар қаторига А.С.Шагидевич, О.Е.Бурашникова, Л.Н.Сибилёва, А.К.Деркач⁴ каби тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Дунё тилшунослигида И.Е.Галочкина, Д.Л.Ленца, Е.В.Соловьёва, Г.Кундротас, З.М.Базарбаева⁵ларнинг тадқиқотлари сегмент ва суперсегмент бирликларнинг прагматик хусусиятларини ўрганишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек тилшунослигида просодик воситалар ҳақидаги илк қарашлар А.Ғуломов⁶ номи билан боғланади. XX асрнинг 60-йилларидан просодик воситаларни экспериментал-фонетик усул билан тадқиқ этиш бошланди. Бу борада С.Отамирзаева, Д.Ниёзов, А.Маҳмудов, Ҳ.Йўлдошева, М.Юсупова, Н.Ҳайитметов⁷ сингари ўзбек тилшунослари томонидан олиб борилган экспериментал тадқиқотлар айнан просодик воситалар тадқиқ этилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида У.Тўйчиев⁸ қарашларида ўзбек арузини экспериментал усул билан текшириш юзасидан маълумотлар берилади. М.Миртожиевнинг «Ўзбек тили фонетикаси»⁹да ҳам интонация масалалари экспериментал тадқиқот натижалари асосида ёритилади.

Ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 80–90-йилларига келиб А.Нурмонов, Н.Маҳмудовлар прагматика масалаларига эътибор қаратдилар¹⁰. Асримиз бошида эса ўзбек прагмалингвистикасига асос солинди. Бу йўналишда

⁴Шагидевич А.С. Просодия звучащего художественного текста (на примере стихотворений в прозе И.С.Тургенева): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 1993; Деркач А.К. Культурно-специфические характеристики просодии директивных высказываний: экспериментально-фонетическое исследование на материале французского, немецкого и русского языков (экспериментально-фонетическое исследование на материале современного немецкого языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007; Бурашникова О.Е. Просодические характеристики истинных и неистинных оценочных иллокутивов (экспериментально-фонетическое исследование на материале современного немецкого языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009; Сибилёва Л.Н. Просодические средства прагматического воздействия в речи бизнесменов (на материале американского варианта английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009.

⁵ Галочкина И.Е. Роль интонации в формировании прагматических типов высказываний (на материале англ. яз.): Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МГПИИЯ, 1981. – 167 с.; Ленца Д.Л., Соловьёва Е.В. Фонетика в аспекте прагматики – Кишинев: Штиинца, 1989. – 98 с.; Кундротас Г. Прагматические возможности интонации (в русском и литовском языках) // Международное образование: итоги и перспективы. Материалы международной научно-практической конференции, посвящённой 50-летию юбилею Центра международного образования МГУ им. М.В.Ломоносова. Т. 1. – М.: 2004. – С.147-151; Базарбаева З.М. Исследование интонации в прагмалингвистическом аспекте // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – № 3, 2015. – С. 114-118.

⁶ Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Тошкент, 1947.

⁷Атамирзаева С. Звуковой состав намаганского говора узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л. 1962.; Маҳмудов А. Словесное ударения в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1960; Ниёзов Д.М. Интонация повествования в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1980; Юсупова М. Ўзбек тилида синтагманинг интонацион хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1979, 1-сон. – Б. 78-82; Юлдашева Х. Интонация вопросительных фраз современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; Ҳайитметов Н. Алишер Навоий ғазалларида мантиқ урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1989.

⁸ Тўйчиев У. Ўзбек арузини экспериментал фонетика усули билан текшириш // Ўзбек тили ва адабиёти 1993, 4-сон. – Б. 13-21.

⁹ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.

¹⁰ Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1986, 6-сон. – Б. 42-45; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986, 6-сон. – Б. 28-31; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

тадқиқотлар яратган М.Ҳақимов, Ш.Сафаров, С.Боймирзаева, М.Қурбонова¹¹ларнинг илмий хулосалари кейинги йилларда амалга оширилаётган изланишларга том маънода назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай бўлса-да, бугунги кунга қадар ўзбек тилшунослигида просодик воситаларнинг мулоқот жараёнидаги прагматик хусусиятлари монографик планда махсус тадқиқ этилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили фонетикаси масалалари» мавзусидаги йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мулоқот жараёнида просодик воситалар муаммосини Уйғуннинг «Парвона» ҳамда Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» драмалари асосида саҳналаштирилган асар қаҳрамонлари нутқини экспериментал-фонетик усул билан тадқиқ этиб, интонациянинг лингвопрагматик хусусиятлари моҳиятини ойдинлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

просодика соҳасида ўтказилган анъанавий экспериментал-фонетик тадқиқот натижаларига янги кузатиш хулосаларини қиёслаш, олинган илмий хулосаларнинг аниқлик даражасини текшириш;

интонация масалаларининг ўрганилишини хронологик жиҳатдан даврлаштириш;

интонация компонентларининг функциялари ва чегараларини ажратиш;

овоз тони частотаси ўзгаришидаги оҳанг турлари (текис, кўтарилувчи ва пасаяувчи)нинг герц ҳамда урғу интенсивлигининг децибелдаги акустик параметрларини аниқлаш юзасидан тажрибалар ўтказиш;

нутқий актни ифодаловчи интонацион воситаларни аниқлаш, нутқий акт турларини акустик параметрлар асосида фарқлаш орқали нутқ типларини таснифлаш;

гапнинг актуал бўлинишида тема ва ремани чегаралаш юзасидан тажрибалар ўтказиш ва уларни тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Уйғуннинг «Парвона», Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» драмалари асосида саҳналаштирилган асарларнинг аудиоёзув файллари олинди.

Тадқиқотнинг предмети нутқий мулоқотда просодик воситаларнинг прагматик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда замонавий компьютер технологияларига асосланган хорижий экспериментал-фонетик

¹¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2018.

усуллар, шунингдек, қиёсий, тавсифий, таснифий, тасвирий методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интонациянинг амалий эҳтиёжлар мактаби даври, пневматик, интонографик методга асосланган экспериментал давр ҳамда замонавий компьютер дастурлари асосида экспериментлар ўтказиш каби уч хронологик даври аниқланган;

просодик бирликлар сифатида мелодика, урғу, пауза, темп ва тембр кабиларнинг функциялари ҳамда чегаралари аниқланган;

просодик воситаларнинг гапнинг коммуникатив типларини шакллантириш, нутқий актлар ҳосил қилиш, гапнинг актуал бўлинишидаги тема ва ремани ажратиш, нутқда турли бўёқларни ифодалаш каби прагматик функциялари асосланган;

интонациянинг нутқдаги мелодик ва интенсив чўққи миқдорларига кўра секин, нормал ва меъёрдан ортиқ каби нутқ типлари ажратилган;

гапнинг актуал бўлинишида тема ва ремани ажратиш урғунинг интенсив ҳаракати ва нутқнинг мелодик ҳаракати орқали амалга оширилиши экспериментал-фонетик таҳлил хулосалари билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини кўрсатиш орқали олинган илмий хулосалар тилнинг турли соҳалари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беришга, шунингдек, диссертация натижалари «Прагмалингвистика», «Фонетика», «Интонация» бўйича ўтказиладиган тадқиқотларни такомиллаштиришга хизмат қилади;

диссертацияда экспериментал-фонетик тадқиқотларнинг янги методика орқали тадқиқ этилиши асосланган;

диссертацияда просодик воситалар функцияларининг аҳамияти тилни система сифатида ўрганиш билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб берилган;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар энциклопедик луғатларни тайёрлашда, яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувида ҳамда нутқ сигналлари муаммоларини ҳал қилишда назарий манба бўлиб хизмат қилиши белгиланган;

тадқиқот натижалари нутқнинг адекватлигини тиклаш ва таниш борасида суд фоноэкспертизаси ишларини мукамаллаштириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, экспериментал-фонетик таҳлиллар асосида аниқ илмий хулосалар чиқарилганлиги, просодик воситаларга ўзбек тилининг хусусий табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида долзарб бўлиб турган просодика, прагмалингвистика, психолингвистика сингари соҳалар бўйича мавжуд илмий маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, экспериментал-фонетик таҳлиллар натижасида олинган аниқ илмий хулосалар нутқнинг прагматик имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради. Шунингдек, тадқиқот фонетика, синтаксис, ўзбек тили услубияти, прагмалингвистика, психоллингвистика каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларни илмий жиҳатдан мукамаллаштиришга ёрдам беради. Просодик воситаларни назарий асослаш соҳага оид махсус терминологик тизимнинг ишлаб чиқилишига йўл очади ҳамда ўзбек тилининг ўзига хос интонацион хусусиятлари очиб берилишини таъминлайди. Бундан ташқари, кўриш имконияти чекланган шахслар учун ўзбек тилига хос интонация хусусиятларини белгилаб берадиган махсус компьютер дастурлари яратишга кенг имконият туғдиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқотда қўлланган матнлар просодик қурилишининг психоллингвистик тавсифи, матн яратилишида нутқ хусусиятларининг ролини белгилаш борасидаги хулосалардан А-1-39 рақамли «Ўзбек амалий психоллингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» амалий илмий-техник лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 мартдаги 89-03-1095-сон маълумотномаси). Натижада матн яратилишида сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, ўзаро мулоқотга киришишда иштирокчилар шахс хусусиятларининг ёрқин очиб берилиши масалалари илмий далиллар билан бойишига эришилган;

интонацияга оид фразавий урғу, мелодия, ритм, интенсивлик, темп, тембр каби интонациянинг структур бирликлари ҳақидаги тушунчалар А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1233-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларида қўлланган терминлар изоҳининг мукамаллашувига эришилган;

диссертацияда келтирилган ўзбек тилининг ўзига хос интонацияси, интонациянинг услубий жиҳатдан фарқланиши ҳамда визуал интонация каби маълумотлардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг «Фарғона яқшанбаси», «Орзулар фасли», «Замондош» кўрсатувларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 5 апрелдаги 117-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, Республика миқёсида

9 та ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 21 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, эксперимент натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Просодика назариясининг шаклланиши**» деб номланган биринчи бобида просодикани тадқиқ этиш тарихи ўрганилган. Дунё тилшунослиги ва туркийшуносликда интонация назариясининг шаклланиши билан боғлиқ қарашлар таҳлил қилинган. Тилшуносликда суперсегмент воситалар тадқиқига доир анъанавий ишлар билан бирга пневматик, интонографик каби инновацион усуллар асосида янги методика бўйича амалга оширилган хорижий ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилиб, дунё тилшунослигида ҳозирга қадар бу соҳада амалга оширилган тадқиқотларга муносабат билдирилган.

Фонетика фан соҳаси сифатида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шаклланди. Просодика ҳам фонетиканинг таркибий қисми бўлиб, доимо тилшунослар эътиборини жалб этиб келган. Просодика масалалари моҳиятини белгилаш кенг қамровли экспериментал тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Лекин бунинг учун зарур бўлган юқори аниқликдаги техник-ускунавий жиҳозларнинг етарли бўлмаганлиги сабаб просодика соҳасини ўрганиш тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан сезиларли даражада ортда қолмоқда.

«Просодия (грекча *prosodia* – урғу маъносида) – дастлаб адабиётшунослар томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у 1) антик поэтикада метрик шеър бўғинларидаги чўзиқликка асосланган урғу миқдори ҳақидаги билим ҳисобланиб, «миқдорий просодия» маъносида қўлланган; 2) рус поэтикасида эса просодия атамаси остида шеършунослик системаси ёки шеъррий ўлчов

системаси тушуниланган»¹². Просодия бўғинга алоқадор бўлиб, урғули ва урғусиз бўғинлардаги микдорий кўрсаткичларга боғлиқ ҳодисадир. Унга С.Ахманова: «1.Просодия суперсегмент воситаларнинг умумий номи бўлиб, айнан тоннинг баландлиги, чўзиқлик (микдор), овоз баландлиги (куч, амплитуда). 2.Асосий тоннинг кўтарилиши ва пасайиши (мелодия), кучли ва кучсиз урғуларнинг тақсимоти (динамика), нутқнинг тез ёки секинлиги (темп) ҳамда талаффузнинг узилиши (пауза) каби нутқнинг суперсегмент воситалари ҳақидаги таълимот»¹³, деб таъриф беради. Просодика фонетиканинг махсус бўлими сифатида интонация масалаларини ҳам қамраб олади. Интонация дастлаб «нотиклик санъати, публицистик назария ва сахна нутқи»¹⁴ каби амалий мактаб босқичларида шаклланган. Бу интонация масалаларига қизиқиш ва ўрганишнинг биринчи даври ҳисобланади.

Тилшуносликда просодика назариясининг шаклланиши экспериментал-фонетик тадқиқотларнинг илк даври билан боғланади. Фонетикада экспериментал тажриба ўтказишнинг бошланғич даври пневматик метод даври саналади. Бу давр «...нутқнинг талаффуз қонуниятларини физиологик ва психологик асбоблар воситаси билан ўрганишдан бошланди... пневматик метод амалий фонетиканинг тараққиётида муҳим роль ўйнади. Бу усул ёрдамида турли тилларнинг фонемалар системаси, айрим фонетик ҳодисаларнинг артикуляцион моҳияти аниқланди»¹⁵. Бироқ интонация масалаларини ўрганиш учун бу метод орқали ўтказилган тажрибалар қутилган илмий хулосаларни бермади. Просодика назарияси шаклланишининг иккинчи даври бевосита тилшунос ва ихтирочи В.А.Артемов номи билан боғлиқ. Профессор А.Нурмоновнинг таъкидлашича, фонетика соҳасининг экспериментал кузатишлар ўтказиш даври етакчиси сифатида профессор В.А.Артемов номи тилга олинади. У ўтган асрнинг «30-йилларига келиб интонация, пауза, бўғин каби фонетик ҳодисаларни ўрганишда электроакустик методлардан фойдаланиш ишини бошлаб берди... В.А.Артемов нутқнинг фонетик хусусиятларини тадқиқ этишга мўлжалланган электродинамик рекордёр, спектрограф сингари янги аппаратлар ихтиро қилди»¹⁶. В.А.Артемов томонидан яратилган интонографик метод фонетика тараққиёти учун муҳим роль ўйнади. Экспериментал фонетика соҳасидаги тадқиқотларнинг юзага келиши фанда аниқ илмий хулосалар чиқариш имкониятини яратди. Натижада нутқ жараёнида просодик воситаларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳодисалар ҳақида дастлабки тушунча ва назариялар юзага кела бошлади. XX асрнинг охирига қадар нафақат туркологияда, балки дунё тилшунослигида фонетика соҳасидаги экспериментал тадқиқотлар В.А.Артемов методикаси асосида амалга оширилди.

¹² Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1966. – С. 227.

¹³ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 367.

¹⁴ Холовская А. Интонация в художественном тексте (в романе Б.Акунина “Ф.М.”). – Вильнюс, 2008. – 14-15. // www.gs/elaba.lt/object/elaba:1741394.pdf

¹⁵ Маҳмудов А. Интонографик метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – 6-сон. – Б. 54.

¹⁶ Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 81.

Тилшуносликда просодик воситалар хақидаги масалалар фонетик-фонологик сатҳга оид суперсегмент бирликлар номи билан боғлиқдир. Просодика масалалари билан шуғулланиш асосан ўтган асрнинг 50–80-йилларига тўғри келади. Бу соҳанинг йирик вакиллари ҳисобланган М.А.Пешковский, Г.А.Глисон, Н.С.Трубецкой, А.М.Щербак, А.А.Реформатский, Л.Р.Зиндер¹⁷ каби олимларнинг қарашлари умумий типологик фонетика масалаларига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Интонация масалаларини Т.М.Николаева, М.И.Матусевич, М.В.Панов, Н.Д.Светозарова, Н.В.Черемисина, А.М.Антипова, Л.А.Кантер, Т.А.Брызгунова¹⁸ каби олимларнинг ишларида ҳам кузатилади. Бу тадқиқотларда интонация қиёсий-типологик аспектда текширилгани, нутқ мелодикасининг структураси, сегмент ва суперсегмент воситаларнинг тавсифи, интонация назарияси, поэзия, проза ва сўзлашув нутқининг интонацион тузилиши, ритмнинг ҳосил бўлишида просодик воситаларнинг роли, интонацион структуранинг тизимли тадқиқи, интонацион конструкциялар каби масалалар анъанавий экспериментал-фонетик усуллар асосида ўрганилган.

Туркологияда ҳам просодика ва интонация масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар кўзга ташланади. Бу борада гапнинг коммуникатив типлари интонациясига бағишланган А.У.Туркбенбаев, Ш.К.Калиев, И.Е.Алексеев, С.Куренов, А.Нурмухамедов, А.Сапаев, О.Д.Розиева, И.Чанаков, Ж.Дуйишев¹⁹ каби олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотлар асосан тилшуносликнинг синтактик фонетика соҳасига бағишланганлиги ва улар интонографик методга асосланган экспериментал-фонетик изланишлар эканлиги билан ажралиб туради.

Профессор А.Ғуломов²⁰ ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб просодика соҳасига оид масалаларни субъектив методлар асосида ўрганган

¹⁷ Пешковский А. М. Интонация и грамматика. – М., 1928; Глисон Г.А. Введение в дескриптивную лингвистику – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959; Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – М., 1960; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – Ленинград: Изд-во Академия наук Москва, 1962; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение, 1967; Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: Высшая школа, 1979; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Фонетика. – М.: Наука, 1984.

¹⁸ Николаева Т.М. Интонация сложного предложения в славянских языках – М.: Наука, 1969; Матусевич М.И. Русский язык. Фонетика. – М.: Просвещение, 1976; Панов М.В. Современный русский язык. Фонетика. – М.: Высшая школа, 1979; Светозарова Н.Д. Интонационная система русского языка. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1982; Черемисина Н.В. Русская интонация: поэзия, проза, разговорная речь. – М.: Русский язык, 1982; Антипова А.М. Ритмическая система английской речи. – М.: Высшая школа, 1984; Кантер Л.А. Системный анализ речевой интонации. – М.: Высшая школа, 1988; Брызгунова Е.А. Звуки и интонация русской речи. – М., 1983.

¹⁹ Туркбенбаев А.У. Интонация простых вопросительных предложений в казахском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма Ата, 1966; Калиев Ж.К. К вопросу об интонации повествовательной фразы в казахском языке. – В кн.: Фонетика казахского языка. Алма-Ата, 1969. – с. 101-107; Алексеев И.Е. Вопросительные предложения в якутском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма Ата, 1983; Куренов С., Нурмухамедов А., Сапаев А. Туркмен дилинде йўнекей хабар ве сораг созлемелеренин интонациясы. – Ашгабат, 1975; Розиева О.Д. Интонация повествовательного предложения в современном туркменском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1975; Дуйишев Ж. Интонация повествовательного предложения в киргизском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Фрунзе, 1975; Чанаков И. Интонация вопросительного предложения в киргизском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Фрунзе, 1980.

²⁰ Ғуломов А. Ўзбек тилида ургу. – Тошкент, 1947.

олимлардан ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида просодика ва интонация масалаларига бағишланган экспериментал-фонетик тадқиқотлар бармоқ билан санарлидир. Бундай изланишлар А.Маҳмудов, Д.Ниёзов, Ҳ.Йўлдошева, М.Юсупова, Н.Ҳайитметов, М.Миртожиев²¹ каби олимларнинг илмий фаолиятида кўзга ташланади. Бу ишларда асосан дарак, сўроқ гаплар интонацияси, урғу каби масалалар таҳлил қилинган. Просодик воситалар бўйича бундан 30–50 йил аввал ўтказилган тажрибалар ҳам иккинчи даврга тааллуқли бўлиб, олинган илмий хулосалардан ҳозирга қадар фойдаланиб келинмоқда. Бу ҳам просодик воситаларнинг замонавий экспериментал тадқиқига эҳтиёж юқориликдан далолат беради.

Суперсегмент бирликларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ интонация назарияси шаклланишининг учинчи даври Д.Л.Ленца ва Е.В.Соловьеваларнинг «Фонетика в аспекте прагматики» номли иши билан бошланди²². Кейинги даврларда просодик воситаларнинг прагматик хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ янги методикага асосланган қатор экспериментал-фонетик кузатишлари Н.А.Каржанова, А.С.Волков, Н.А.Фаустова, З.М.Базарбаевалар²³нинг ишларида кузатиш мумкин. Просодик воситаларнинг прагматик функцияларини ўрганиш билан боғлиқ компьютер дастурларига асосланган экспериментал-фонетик тадқиқотлар интонация назарияси шаклланишининг учинчи даври ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистиканинг шаклланиш тарихи, мундарижаси Ш.Сафаров, М.Ҳакимов, С.Боймирзаева, М.Қурбоноваларнинг тадқиқотлари²⁴да батафсил илмий асослаб берилган. Гарчи интонация нутқнинг жони бўлса-да, бу ишларда прагмалингвистиканинг асосий масаласи сифатида нутқий актлар ўрганилишига қарамай, уларнинг просодик воситалар билан ифодаланиши, гапнинг коммуникатив типлари структурасида нутқий актларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари, нутқий актларнинг ифодаланишида

²¹ Маҳмудов А. Словесное ударение в узбекском языке – Ташкент: Фан, 1960; Юлдашева Х. Интонация вопросительных фраз современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1988; Ниязов Д.М. Интонация повествования в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Юсупова М. Ўзбек тилида синтагманинг интонацион хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979, 1-сон. – Б. 78-82; Ҳайитметов Н. Алишер Навоий ғазалларида мантук урғусининг берилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1989; Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.

²² Ленца Д.Л., Соловьева Е.В. Фонетика в аспекте прагматики. – Кишинев: Штиинца, 1989. – 97 с.

²³ Каржанова Н.В. Экспрессивная функция интонации в современном французском языке (экспериментально-фонетическое исследование на материале высказываний, выражающих эмоции группы «радость»): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2000. – 24 с; Волков А.С. Просодические особенности реализаций ложных речевых актов (экспериментально-фонетическое исследование на материале современного немецкого языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 2013. – 23 с; Фаустова Н.А. Интонационное выражение иллокутивных значений (на материале русского, французского и английского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2009. // www.dissercat.com. (мурожаат санаси: 1.08.2018); Базарбаева З.М. Исследование интонации в прагмалингвистическом аспекте // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – № 3, 2015. – С. 114-118.

²⁴ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2001; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.

интонациянинг ўрни, интонация компонентларининг нутқий актларни ҳосил қилишдаги акустик параметрлари билан боғлиқ экспериментал-фонетик кузатишлар амалга оширилмаган.

Суперсегмент бирликлар ҳам система сифатида яхлит структурадан иборат бўлади, шунинг учун ҳам улар маълум элементларга бўлинади ва ўзига хос функциялари билан ўзаро боғланади. Просодика назариясига асосланган тадқиқотларнинг моҳияти фанда фоносинтактика номи билан умумлаштирилади. Просодик бирликлар ҳам тилнинг бошқа сатҳ бирликларидек тил ва нутқ ҳодисаларига ажратилади. Экспериментал тадқиқотлар натижасида чиқарилган илмий хулосалар ҳам соҳанинг асосий кўрсаткичлари сифатида просодика назариясининг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Энг муҳими, просодика тилшуносликнинг фонетика, синтаксис, стилистика каби соҳалари билан узвий боғланган ва шу соҳадаги тадқиқотларнинг объекти эканлиги билан ажралиб туради. Интонация тил бирлиги сифатида мавжуддир, у нутқ ҳодисаси сифатида интонациянинг мелодика, урғу, пауза, темп, тембр каби компонентлари орқали юзага чиқади. Интонация нутқ жараёнида, асосан, сегмент бирликлар структурасида шаклланади. Сегмент бирликларсиз интонация мавжуд эмас. Фонетик бирликлар прагматикаси тадқиқида икки асосий масалага эътибор қаратиш зарур. Биринчидан, сегмент ва суперсегмент бирликларнинг прагматик хусусиятларини аниқлаш амалий характерга эга бўлиб, уларни тадқиқ этишда визуал экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Иккинчидан, амалий изланишлар натижасида олинган илмий хулосаларни математик методлар ёрдамида таҳлил ва тасниф қилиш фонетик бирликлар прагматикасига оид мавжуд назарий қарашларни асослаш имконини туғдиради.

Ишнинг «**Нутқнинг интонацион структураси**» деб номланган иккинчи бобида нутқнинг мелодик тузилиши, просодика системасида урғунинг ўрни, пауза, темп ва овоз тембрининг нутқ интонацион яхлитлигини таъминловчи функционал хусусиятлари экспериментал-фонетик усуллар орқали тадқиқ қилинган.

Интонация атамаси латинча «intono» сўзидан олинган бўлиб, «баланд товуш билан талаффуз этаман»²⁵ деган маънони англатади. Интонация нутқда ўзининг структур бирликлари орқали намоён бўлади. Оғзаки нутқнинг асосий белгиси интонациядир. Нутқнинг интонацион структураси унинг компонентлари асосида яхлит системани ҳосил қилади. Интонация мелодика, урғу, пауза, темп, овоз тембри каби просодик воситалардан ташкил топади²⁶. Бу воситалар нутқнинг интонацион структурасини шакллантириш учун хизмат қилади.

Ҳар қандай нутқ ўзига хос интонация билан талаффуз қилинади. Мелодика, урғу, нутқ темпи, овоз тембри ва пауза каби интонацион

²⁵ Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 40.

²⁶ Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. – М.: Просвещение, 1976. – С. 241.

воситаларнинг нутқдаги умумий вазифалари маълум бир нутқ ёки гапга хос интонацияни юзага чиқариш учун хизмат қилади. Интонация нутқда асосан мазмуний ва грамматик структурани шакллантиради. Нутқнинг юзага келиши эса интонациянинг асосий компоненти ҳисобланган мелодика билан узвий боғлиқдир.

Интонациянинг асосий компонентларидан бири бўлган мелодика «...нутқ оҳангининг кўтарилиши ёки пасайишидан иборат бўлган асосий овоз тони частотасининг ўзгаришида кўринади. «Мелодика» ўзбекча «оҳанг» тушунчасига тўғри келади»²⁷, у нутқнинг ранг-баранглигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Нутқ мелодикаси интонациянинг асосий компоненти саналади ва нутқнинг мазмуний структурасини белгилайди. Ўзбек тилида мелодика гапнинг коммуникатив типларини ҳосил қилишда текис, кўтарилувчи ва пасаяувчи оҳанг билан намоён бўлувчи ҳодиса сифатида эътироф этилади, шу билан бирга, гапнинг дарак, сўроқ, буйруқ каби типларини ажратиш учун хизмат қилади (1-2-диаграмма, 1-2-расм). «Гапнинг кузатилган мақсадга кўра, шунингдек, эмоционалликка кўра турлари кўп жиҳатдан интонацион фарққа қараб белгиланади»²⁸. Кузатишлар пасаяувчи ва кўтарилувчи оҳанг ҳаракати гап типларини ажратиш учун хизмат қилишини исботлади. Экспериментал кузатишлар натижаси мелодик тасвир чизиғи узилишида пауза борлигини кўрсатади. Асосий овоз тони частотасининг мавжудлиги нутқнинг визуал тасвири орқали яққол намоён бўлади, нутқда пауза мелодик тасвир ҳаракатининг узилиши билан кўзга ташланади, бу нутқнинг мелодик тавсифини изоҳлашга ёрдам беради (3-диаграмма, 3-расм).

Ўзбек тилида сўзга аффикс қўшилиши натижасида урғу кейинги бўғинга кўчади. Аммо масаланинг баъзи жиҳатлари ҳалигача мунозарали: «...ўзбек тилида кўп бўғинли сўзларда урғуни асосий ва иккинчи даражали урғуга ажратиш (А.А.Клименко), 1-, 2-, 3-даражали ва кучсиз урғуни фарқлаш (А.Ф.Себерг) каби қарашлар мавжуд. Бироқ бу қарашлар экспериментал жиҳатдан тасдиқланмаган»²⁹ деб таъкидланади. Ўзбек тили лексик урғуси ҳақидаги мунозарали масалалар юзасидан ўтказилган экспериментал-фонетик изланишлар хулосаси юқоридаги фикрларни тасдиқлади. Ўзбек тилида урғу олмайдиган аффикслар ҳақидаги қараш ва урғунинг сўз таркибидаги барча бўғинларга тақсимоти каби масалалар жонли нутқнинг экспериментал-фонетик тадқиқ натижаларида кўрсатилди: 1) *Муроджон-чи?* гапида асосий урғу *-жон* аффиксига тушиб, миқдори 81.18 дБ ни ташкил қилмоқда. *-чи* сўроқ юкламасига тушаётган урғунинг миқдори эса 67.96 дБ дан иборат бўлмоқда (4-диаграмма, 4-расм). 2) *Бу менгами?* ифодасидаги биринчи *бу* бўғинига 60.6 дБ, *мен-* бўғинига 65.18 дБ, *-га* бўғинига 71.09 дБ, *-ми* бўғинига 53.6 дБ миқдоридаги урғу тушиши кузатилди. *Бу менгами?* мисолининг 5-диаграммасида урғунинг интенсив ҳаракати берилган бўлиб, урғу

²⁷ Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – Б. 45-46.

²⁸ Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 45.

²⁹ Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 66.

олмайдиган *-ми* аффиксида ҳам маълум миқдорда урғу борлиги кузатилмоқда(5-расм). Ўтказилган экспериментал-фонетик текширишлар натижасида олинган хулосалар адабиётларда мавжуд бўлган, урғу сўзнинг охириги бўғинига тушади деган қарашни тасдиқлаш билан бирга, тилда урғу олмайдиган аффикслар ҳам мавжуд деган қараш нисбий эканлигини кўрсатди. Шу ўринда академик Ш.Шоабдурахмоновнинг қарашларида юқоридаги фикрлардан фарқли равишда «...баъзан сўз охирида келган *-ми, -ку, -чи, -да, -ёқ(-оқ)* каби юкламаларга урғу тамоман тушмайди деган фикрни учратиш мумкин. Аслида эса бундай юкламаларга урғу бутунлай тушмайди, деб бўлмайди. Кўп бўғинли урғунинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган кўшимча урғу ёки кўшимча урғулардан бирортаси шу юкламаларга ҳам бўлиниб тушади»³⁰ деб таъкидланади. Бундай қараш ўтказилган барча тажриба натижаларида исботланди.

Нутқ оқими бир текис давом этувчи узлуксиз ҳодиса сифатида кўринади, бундай ҳолатни мунтазам деб ҳисоблаш мумкин эмас. Нутқда пауза атамаси билан юритиладиган кўплаб тўхташлар ҳам мавжуд. «Пауза» лотинча «*pausa*», грекча «*pausis*» – тўхташ, турли мақсад ва функция билан нутқ оқимининг тўхташи, узилиши³¹; товушнинг вақтинча тўхташи (ушланиш, тўхташ, интервал) бўлиб, бу вақтда нутқ органи артикуляцион ҳаракатда бўлмай, нутқ оқимининг бўлинишига олиб келади³² деб таъкидланади. Нутқда пауза ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг асосий сабаби нутқ органларининг тартибли ҳаракати оралиғидаги қисқа танаффус билан боғлиқдир. Бу «артикуляцион-физиологик эҳтиёж» сабабидан юзага келади. «Тил бу бирликни усталик билан мазмунга хизмат қилдиради»³³. Пауза нутқда интонацияни шакллантирувчи восита сифатида муҳим аҳамият касб этади.

«Пауза нутқда гапларни бир-биридан ажратиш, тактларни ўзаро фарқлаб қайд этиш учун қўлланади. Улар гап орасида 300 мсек.дан 500 мсек.гача давом этади»³⁴ деган фикрлар билдирилади. Биз таянган методика асосидаги тажриба хулосалари паузага юқоридаги рақамлардан ҳам кўп вақт сарфланиши мумкинлигини тасдиқлади. Буни «*Мен асли Бўстонлиқданман. Ота-онам йўқ. Отам уруида ҳалок бўлган. Онам эса мени туққану ўлган экан*» (Уйғун, «Парвона») парчасидаги паузаларга сарфланган вақт миқдоридан кўриш мумкин (6-диаграмма, 6-расм). Нутқнинг структурасида биринчи пауза учун 1478 мсек., иккинчи паузага 1097 мсек. ва учинчи пауза учун 1489 мсек. вақт сарфланган. Бу нутқда паузалар, дарҳақиқат, гаплар ўртасидаги чегарани ифодалайди ва тўлиқ паузага мисол бўлади. Ҳар бир гап ўртасидаги паузалар асосий овоз тонининг тебраниш частотасига асосланган тасвирдан узилган ҳолатда кўринади. Саҳна учун мўлжалланган мазкур нутқ орқали актёр қаҳрамон характери тўлақонли очиб берган ва томошабинларнинг

³⁰ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 70.

³¹ Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 68.

³² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 314.

³³ Йўлдошева Х. Сўроқ гапларда пауза // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – 3-сон. – Б. 29.

³⁴ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 420.

хайратланишига эришган. Бунда актёр томонидан ўринли ишлатилган паузаларнинг ҳам аҳамияти катта. Кўринадики, нутқда паузалар давомийлиги 1000 мсек. дан ҳам ортиши кузатилади.

Интонация компоненти ҳисобланган «темп италянча tempo, лотинча tempus сўзларидан олинган бўлиб, «нутқ элемент (товуш, бўғин, сўз)ларининг талаффуз тезлиги»³⁵ маъносини ифодалайди. Илмий адабиётларда «талаффузнинг вақти, унинг тезлиги (секин, ўрта тезлик, тез) нутқ темпидир. Нутқ темпи фразани бўлакларга бўлиш учун хизмат қилади»³⁶ деб таъкидланади. Нутқ темпи мулоқот жараёнида нутқ бирликларига сарфланган вақт миқдори билан белгиланади. Нутққа сарфланган вақт миқдори қанча кўп бўлса, нутқ темпи шунча секин бўлади. Аксинча, нутққа сарфланган вақт миқдори қанча оз бўлса, нутқ темпи шунча тез бўлади. Нутққа сарфланган вақт тезликка нисбатан тескари пропорционалдир. Шунинг учун нутқ темпи *осойишта, нормал ва меъёрдан ортиқ* бўлган типларга ажратилади. 54 дБ дан 60 дБ гача бўлган интенсив миқдор кўрсаткичи осойишта нутқни, 60–70 дБ нормал нутқни ва 80 дБ дан юқори нутқ меъёрдан ортиқ темпорал белгини ифодалаш учун хизмат қилади.

Нутқ темпи сўзлашувчиларнинг характериға, эмоционал ҳолати, нутқ вазияти, жинси, ижтимоий мавқеи ҳамда руҳий ҳолатиға кўра ўзгарувчан хусусиятға эға бўлади. Нутқий актлар мазмуниға кўра ҳам уларға сарфланган вақт миқдори ўзгариши мумкин. Бу акустик параметрлардаги кўрсаткичлар темпининг жинсға кўра фарқланишини илмий асослашға ёрдам беради (7-8-расм).

Овоз (товуш) тембри ҳам просодик воситалар сирасиға киради. У интонациянинг компонентлари қаторида нутқий мулоқот жараёнида ҳосил бўлади. Овоз тембри ҳақида таржима луғатларда «тембр – ҳар бир товушнинг ўзига хос бўлган сифати; ёқимли овоз тембри; чолғу асбобининг майин оҳанги»³⁷ каби маънолар кўрсатилади. Овоз тембри нутқий мулоқотда сўзлашувчиларнинг ҳар бириға хос дифференциал бўёқни таъминлаш учун хизмат қилади.

Товуш тембри семиологик характерға эға бўлиб, у социал маъноларни ифода этади ҳамда уларни ўзаро дифференциациялайди. Бу акустик белги лингвистик тушунчалар таркибига овознинг социал хусусиятлари сифатида киритилади. «Инсон товушнинг тембриға қараб товуш манбаларини бир-биридан ажрата олади. Масалан, товуш тембриға қараб ким гапираётганини, ким куйлаётганини ёки қандай чолғу асбобида куй чалинаётганини аниқлаш мумкинлиги»³⁸ фанда илмий асослаб берилган. Овознинг лингвистик функцияси шундаки, талаффуз қилинган товуш тембри перцептив белгилар орқали инсон тафаккурида идрок қилиниб, овоз муаллифнинг кимлиги ва

³⁵ Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1990. – С. 508.

³⁶ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – С. 472.

